

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.YU.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАТОВ БЕКЗОД АКРАМ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ
ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Норматов Бекзод Акрам ўғли

Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.....3

Норматов Бекзод Акрам ўғли

Совершенствование правового регулирования налоговых проверок в Республике Узбекистан.....23

Normatov Bekzod Akram o`gli

Improving the legal regulation of tax audits in the Republic of Uzbekistan.....45

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.YU.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАТОВ БЕКЗОД АКРАМ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2019.3.PhD/Үу295 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ли Адик
юридик фанлар номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Рўзметов Хайрулло Ибадуллаевич
юридик фанлар доктори

Хожиев Эркин Туйғунович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Үу.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 22 январдаги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (945-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «8» январда тарқатилди.
(2021 йил «8» январдаги 12-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Хакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

М.А.Ахмедшаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ(Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқтисодий эркинликни таъминлаш орқали давлатнинг бюджет даромадларини барқарорлаштириш ҳамда солиқ назоратининг замонавий воситаларини қўллаш орқали бюджет интизомини таъминлаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатнинг ўз функциясини нормал амалга оширишида бюджет даромадининг асосий манбаи бўлмиш солиқ тушумларининг ўрни муҳим ҳисобланади. The Heritage Foundation халқаро тадқиқот институтининг 2020 йилги таҳлил натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси иқтисодий эркинлик индекси бўйича дунёда 114-ўринни эгаллади, хусусан бу индекс бўйича Қозоғистон 39, Қирғизистон 81, Тожикистон 155, Туркменистон 170, Эстония 10, Литва 16, Грузия 12, Латвия 32, Арманистон 34, Россия 94, Молдавия 87, Беларусь Республикаси 88, Озарбайжон 44, Украина 134-ўринларни эгаллаган¹. Эътиборлиси, Жаҳон банкининг Doing Business-2020 индексининг солиққа тортиш рейтингда Ўзбекистон Республикаси 69-ўринни эгаллади². Ушбу кўрсаткичлар солиқ назоратининг замонавий воситаларини қўллаш орқали бюджет интизомини таъминлаш, солиқ текширувлари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳонда солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ бюджетга йўналтиришнинг замонавий воситаларини қўллаш орқали давлатнинг молиявий ва бюджет манфаатларини таъминлашга қаратилган инновацион лойиҳаларни жорий қилишга кенг аҳамият берилмоқда, жумладан солиқ тўловчиларнинг ихтиёрий солиқ интизомини рағбатлантириш, солиқ тўловчиларнинг фаолиятини риск бошқарув тизими (Risk-management system) орқали баҳолаш ҳамда тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитнинг ривожланишини таъминлашда солиқ текширувларини солиқ тўловчиларнинг риск даражасидан келиб чиқиб амалга ошириш масаласига алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитни ривожлантиришда, аввало солиқ тизими ва сиёсатини такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боисдан «иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларига кўра солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган»³. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларини ҳуқуқий тартибга солиш мавзусида илмий тадқиқот ишини олиб бориш зарурати мавжуд.

¹ Terry Miller, Anthony B.Kim, James M.Roberts. 2020 index of Economic Freedom. The Heritage Foundation. 2020 by The Heritage Foundation 214 Massachusetts Ave., NE Washington, DC 20002 (202) 546-4400 | heritage.org. United States of America. ISBN: 978-0-89195-300-5

² <https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/country/u/uzbekistan/UZB.pdf>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

«Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5116-сон (2017), «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ–5468-сон (2018), «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–5490-сон (2018), Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (2019), «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5837-сон (2019), «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6098-сон (2020) фармонлари ва бошқа соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда солиқ ҳуқуқининг турли институтлари, хусусан солиқ текширувларининг айрим жиҳатлари кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, А.Ли, Л.Хван, Е.Каньязов, Э.Хожиев, И.Эргашев, И.Турабоев, Ф.Исаева, Ж.Урмонов, Ф.Мирзаев, А.Хамидов, Н.Ашурова, А.Тагаев, Ф.Хошимов, Ғ.Рўзиев, К.Хотамов, Б.Тошмуродова, З.Қурбонов, Р.Муминов, Б.Султоновлар томонидан солиқлар, солиқ органлари ва солиқ маъмуриятчилиги масалалари тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатларида солиқ текшируви институти тадқиқот объекти сифатида кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, С.Шорников, О.Миронова, Е.Пузырева, Ю.Крохина, М.Садчиков, Т.Курбатов, В.Гудимов, Н.Козлов, А.Тедеев, А.Селиванов, А.Шаров, Д.Черник, О.Турчина, А.Лобанов, А.Полтева, В.Семенихин, Г.Омуркожоева, М.Подолько, С.Берестовой, Е.Адвокатова, А.Хафизова, А.Цвилий-Букланова, Т.Ефремова, Е.Маградзе ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида солиқ текширувларининг юридик ва иқтисодий асослари таҳлил қилинган.

Солиқ ҳуқуқи институтлари тадқиқот объекти сифатида кўпгина хорижий олимлар томонидан, хусусан David John Hoey, Martine Meunier, Lidija Hauptman, Miodrag Todorovic, Edmund Biber, Satoru Araki, Appelgren Leif, Arturo Jacobs, Rosemarie A. Rhines, Marhaini Mahmood, Csilla Tamás Czinege, Rafal Lipniewicz томонидан ўрганилган¹. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатини такомиллаштириш масалаларидан келиб чиқиб, солиқ текширувлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаганлиги ушбу мавзуда илмий тадқиқот олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг

¹ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларини ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-назарий, амалий ва қонунчилик муаммоларини тизимли ўрганиш асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

солиқ текширувининг юридик табиатини таҳлил қилиш орқали унинг тушунчаси ва мақсадини ишлаб чиқиш ҳамда солиқ текширувининг вазифалари ва принципларини таҳлил қилиш;

солиқ текширувларига оид қонунчиликни таҳлил қилиш орқали қонунчиликдаги муаммоларни аниқлаш;

солиқ текшируви турлари ва шакллари ўрганиш орқали қонунчиликдаги муаммоларни аниқлаш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

камерал солиқ текширувига оид нормаларни илмий-амалий таҳлил қилиш ва хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёслаш орқали уни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

сайёр солиқ текширувига оид нормаларни илмий-амалий таҳлил қилиш ва хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёслаш орқали уни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

солиқ текширувларида риск бошқарув тизимининг назарий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ҳамда уни солиқ текшируви тизимига жорий этиш ва қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда солиқ текширувларининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда солиқ текширувлари ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда солиқ текширувларини ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда солиқ ҳуқуқида мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантикий, социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция, дедукция ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

камерал солиқ текширувининг доираси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ва солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш йўли билан чегараланиши лозимлиги асослаб берилган;

камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги битта буйруқ асосида битта солиқ тўловчи текширувдан ўтказилиши зарурлиги асосланган;

солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда солиқ аудитининг мақсадини аниқлаштириш, хусусан текшириладиган солиқ даврида барча солиқлар ва йиғимлар ёки айрим солиқ турини кўрсатиш лозимлиги асослаб берилган;

солиқ аудитини ўтказиш чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар доирасига солиқ тўлашдан бўйин товлash ҳамда солиқ тўловчи томонидан солиқ аудити ўтказилган даврлар учун солиқлар ва йиғимлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари ҳам кириши зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги Солиқ кодекси ва «Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида»ги низомга камерал солиқ текширувларида солиқ тўловчининг ҳудуд ва биноларини кўздан кечириш тадбирини ўтказиш унинг юридик табиатига хос эмаслиги сабабли, мазкур тадбирни чиқариб ташлашга қаратилган таклиф ишлаб чиқилган;

«Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида»ги низомга камерал солиқ текшируви предметига тааллуқли масалаларни белгилашга қаратилган таклиф ишлаб чиқилган;

«Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида»ги низомга сайёр солиқ текширувлари даврийлигини солиқ тўловчиларнинг риск даражасидан келиб чиқиб, таснифлаш, хусусан юқори риск – йилда бир марта; ўртача риск – уч йилда бир марта; паст риск – беш йилда бир марта сайёр солиқ текшируви ўтказилишини белгилашга қаратилган таклиф ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги Солиқ кодексига риск бошқарув тизимини жорий этиш, хусусан унинг асосий тушунчалари ва риск даражаси мезонларини белгилашга қаратилган таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, сўровнома, эксперт баҳолаш шаклларига асосланган. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, солиқ қонунчилиги нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда Солиқ ҳуқуқи, Молия ҳуқуқи ва Бизнес ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида Солиқ ҳуқуқи, Молия ҳуқуқи ва Бизнес ҳуқуқи фанларини ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

камерал солиқ текшируви тушунчасини белгилаш, хусусан камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларни ва солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш йўли билан солиқ органи томонидан ўтказилишига қаратилган таклиф «Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида»ги низомнинг 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 06-34075-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши камерал солиқ текширувининг бошқа солиқ текшируви турларидан фарқли жиҳатларини очиб беришга ҳамда асосий тушунчалар мазмунини бойитишга хизмат қилган;

камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштириш тартибини белгилаш, хусусан камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги битта буйруқ асосида битта солиқ тўловчи текширувдан ўтказилиши мумкинлигини белгилашга қаратилган таклиф «Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида»ги низомнинг 9-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 06-34075-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши камерал солиқ текширувларини асосли ва қонуний ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда солиқ аудитининг мақсадини аниқлаштириш, хусусан текшириладиган солиқ даврида барча солиқлар ва йиғимлар ёки айрим солиқ турини кўрсатиш лозимлиги ҳақидаги таклиф «Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида»ги низомнинг 9-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 06-34075-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши солиқ текширувларининг даврийлиги ва такрорийлигини ҳамда қонуний ўтказилишини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилган;

солиқ аудитини ўтказиш чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар доирасига солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳамда солиқ тўловчи томонидан солиқ аудити ўтказилган даврлар учун солиқлар ва йиғимлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини тақдим қилиниши асос бўлиши тўғрисидаги таклиф «Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида»ги низомнинг 14-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 06-34075-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши солиқ органлари томонидан солиқ текширувларини ўтказиш тартибига риоя қилишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан 9 илмий мақола (2 та хорижий илмий журналларда) ва тўпламлар таркибида 6 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ қилинаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Солиқ текширувларининг назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, унда солиқ текшируви тушунчаси, мақсади, юридик табиати, вазифалари ва принципларининг мазмун-моҳияти, шунингдек мамлакатимизда солиқ текширувларига оид солиқ қонунчилигининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган.

Диссертант фикрича, солиқлар иқтисодий категория сифатида ўзи ёлғиз ҳаракат қила олмайди, чунки солиқлар ўз табиатига кўра ихтиёрий тўланмайди, балки давлатнинг маъмурий кучига таянган ҳолда мажбурий ундирилади. Шу нуқтаи назардан, солиқлар юридик инструментларнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Хусусан, солиқлар ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган қонунлар орқали жорий этилади ҳамда масъул давлат органининг маъмурий қарори ва ҳаракатлари орқали мажбурий ундирилади.

Тадқиқотчи томонидан солиқ ва солиқ текширувининг юридик табиатига нисбатан миллий олимлар А.Ли, Л.Хван, Ш.Икрамов, И.Хамедов, И.Турабоев, Э.Хожиев, Т.Хожиев, Ж.Урмонов, Е.Канъязов, Н.Ашурова, А.Хамидов, Ф.Мирзаев, хорижий олимлар З.Гасиева, В.Кайтмазов, С.Шорников, М.Todorovich, Г.Айтхожина, Г.Нестеров, Н.Попонов, А.Герзиди, О.Миронова, Appelgren Leif, Edmund Biber, Lidija Hauptman, Satoru Araki, David John Hoyer ва бошқа олимлар томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида солиқ текшируви тушунчаси, мақсади ва унинг юридик табиатига хос хулосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчининг фикрича, «солиқ текшируви – солиқ органларининг ваколатли ходими томонидан солиқ тўловчиларнинг (солиқ агенти) солиқ ва йиғимларни бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тулашини таъминлашга қаратилган солиқ назорати тадбирлари йиғиндиси ҳисобланади» деган таърифни илгари суриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертант солиқ текширувларининг юридик табиатини тадқиқ этган ҳолда унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини: *биринчидан* солиқ текшируви жараёнида бир томондан давлат органи – солиқ органи ваколатли ходими ва иккинчи томондан фуқаролик бурчини бажарувчи солиқ тўловчилар – юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиши; *иккинчидан*, солиқ текшируви солиқларнинг бюджет тизимига тўлиқ ва ўз вақтида тушишига қаратилган бўлиб, бу жараёнлар йиғимларни ҳам қамраб олиши; *учинчидан*, солиқ текшируви солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳисоботлари ва солиқларни (йиғим) ҳисоблашга асос бўлувчи бошқа ҳужжатларни кўздан кечиришга қаратилган бўлиб, бухгалтерия ва молия-хўжалик фаолиятини қамраб олишини кўрсатиб ўтади.

Тадқиқотчи солиқ текширувлари тушунчаси ва унинг юридик табиати солиқ ва йиғим категорияси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, солиқ ёки йиғим турларидаги ўзгаришлар солиқ текширувининг мазмунига таъсир қилиши, масалан амалдаги Солиқ кодексида солиқнинг янги тури – ижтимоий солиқ жорий этилиши солиқ текшируви предмети доирасини кенгайтиргани, шунингдек солиқ текширувларининг қамрови нафақат солиқларни, балки йиғимларни тўғри ҳисобланиши ва тўланишини ҳам назорат қилиши тўғрисидаги фикрни илгари суради.

Тадқиқотчи амалдаги солиқ қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда солиқ текшируви мақсадини солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя этиши устидан назорат қилиш билан ифодалаш унинг юридик табиатини тўлиқ очиб бермаслиги, назорат қилиш эса солиқ органларининг вазифаси эканлигини қайд этиб, солиқ текшируви мақсадини солиқ тўловчилар (солиқ агенти) томонидан солиқлар (йиғим) тўғри ва тўлиқ тўланганлигига ишонч ҳосил қилиш ва солиқ интизомига эришиш билан ифодалаш мақсадга мувофиқлигини келтириб ўтади.

Шунингдек, тадқиқотчи ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда солиқ текшируви вазифаси солиқ органларининг вазифасидан фарқ қилишини қайд этади ва солиқ текшируви вазифалари солиқдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш, тўланмаган солиқ ва йиғимларнинг миқдорини бюджет тизимига ундириш, солиқ ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилиш муҳитини яратишга қаратилганлиги тўғрисида хулосага келган.

Диссертант солиқ текшируви принципларини солиқ текширувларини ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш жараёнларини тартибга солувчи қонунчилик нормаларининг асосий қондалари ҳисобланишини қайд этиб, солиқ текшируви принципларини моддий ва процессуал турларга ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келган. Хусусан, *моддий-ҳуқуқий принциплар сифатида*: қонунийлик, шаффофлик, коррупциядан холилик, ошқоралик, объективлик, очиқлик, текширув тизимининг ягоналиги ва аниқлиги, текширувнинг ҳудудийлиги; *процессуал-ҳуқуқий принциплар сифатида*: солиқ сирини сақлаш, солиқ тўловчининг айбсизлик презумпцияси, солиқ органининг мустақиллиги, иқтисодий натижадорлик ва самарадорлик, солиқ тўловчи билан ҳамкорлик, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устунлиги, солиқ текширувлари ўтказишда мансабдор шахснинг ноқонуний ҳаракати натижасида

етказилган зарарни қоплаш, жавобгарликка тортишдан олдин превентив чораларни қўллаш каби принципларни тушуниш лозимлигини қайд этган.

Мазкур боб доирасида муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларига оид солиқ қонунчилиги олти босқичга бўлиб таҳлил қилинган ҳолда ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилган.

Биринчи босқичда – 1990-1994 йилларда солиқ текшируви ўтказишга ваколатли солиқ органлари тизими ташкил этилгани; иккинчи босқичда – 1994-1997 йилларда солиқ текширувларининг такрор ва ноқонуний ўтказилишини олдини олиш мақсадида мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилгани; учинчи босқичда – 1997-2007 йилларда солиқ қонунларини ўзида кодификация қилган Солиқ кодекси қабул қилингани; тўртинчи босқичда – 2007-2016 йилларда янги таҳрирдаги Солиқ кодексига (2007) кўра солиқ текшируви тушунчаси, шакли (молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва қисқа муддатли текшириш) ва турлари (режали, режадан ташқари ва муқобил текширув) ва солиқ текширувларининг процессуал тартиби белгилангани; бешинчи босқичда – 2016-2019 йилларда солиқ текширувларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан *келишувга кўра* ва *хабардор қилиш* тартибидаги турлари жорий қилингани; олтинчи босқичда – 2019 йилдан ва ҳозирга қадар янги таҳрирдаги Солиқ кодексига (2019) кўра солиқ текшируви турлари сифатида камерал, сайёр ва солиқ аудити белгилангани тўғрисида хулосага келинган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасида 1997, 2007 ва 2019 йилларда солиқ кодексининг янги таҳрирлари қабул қилингани, 1990-2020 йиллар давомида солиқ текширувлари институтига 3 марта концептуал ўзгартиришлар (2016, 2018, 2019 йилларда) киритилгани, шу нуктаи назардан, солиқ интизомига эришишда солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш муҳим фактор ҳисобланишини алоҳида қайд этади.

Диссертациянинг «**Солиқ текширувларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**» деб номланган иккинчи бобида солиқ текширувларининг классификацияси, камерал солиқ текшируви ва сайёр солиқ текширувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан солиқ текшируви бўйича жаҳон моделлари, хусусан Англо-саксон модели (Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия), Романо-герман модели (Германия, Франция, Япония), Аралаш модели (АҚШ, Канада) ва МДҲ давлатлари модели таҳлил қилинган ҳолда «солиқ текшируви» тушунчаси хорижий давлатларда «tax audit» тушунчаси билан ифодаланиши қайд этилган, шунингдек жаҳон тажрибасига кўра солиқ текширувлари типик икки турга: камерал солиқ текшируви (desk audit) ва сайёр солиқ текширувига (field audit) бўлиниши тўғрисида хулосага келинган.

Диссертант «tax audit» тушунчаси тўғридан-тўғри таржима қилинганда «солиқ аудити»ни англатиши, амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича солиқ текширувлари камерал, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудитига бўлиниши, солиқ текширувининг бир тури сифатида «солиқ аудити»ни белгилаш унинг юридик табиатига хос эмаслигини қайд этиб, мазкур тушунча ўрнига «сайёр солиқ текшируви» тушунчасини, «сайёр солиқ текшируви» тушунчаси ўрнига

«тадбирли солиқ текшируви» тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келган.

Диссертант иқтисодчи олимлар К.Хотамов ва З.Курбановларнинг солиқ аудити бўйича тадқиқотларини ўрганган ҳолда солиқ аудити – аудиторлик ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектларига солиқ қонунчилигига риоя этилишини текшириш бўйича кўрсатиладиган аудиторлик хизматининг бир тури эканлигини қайд этиб, солиқ аудити молиявий категория сифатида аудиторлик хизматини ифодалаш, солиқ текшируви эса солиқ категорияси сифатида солиқ органининг маъмурий функциясини амалга ошириши, деган фикрни илгари суради.

Ўтказилган таҳлиллар асосида солиқ текшируви тури ўз мазмунига кўра текшириш жойи, усули ва объектига нисбатан амалга ошириладиган бир-биридан фарқли белгиларга эга бўлган ҳаракатлар йиғиндиси эканлиги тўғрисида хулосага келинган, шунингдек солиқ текширувларининг тури сифатида камерал ва сайёр солиқ текширувлари намоён бўлиши қайд этилган.

Диссертацияда солиқ текшируви шакли таҳлил қилиниб, солиқ текшируви шакли ўз моҳиятига кўра солиқ текшируви ўтказиладиган объектга нисбатан унинг фаолият йўналиши қамровини ифодаловчи кўрсаткичлар жамланмаси эканлиги қайд этилади, шунингдек солиқ текшируви молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ текшириш (бухгалтерия, молия, статистика, банк) ва молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текшириш (рўйхатдан ўтганлиги, терминал ва касса аппаратларининг мавжудилиги каби масалалар) шаклида ўтказилиши тўғрисида хулосага келинган.

Камерал солиқ текширувининг юридик табиатига нисбатан миллий олимлар Э.Эргашев, Р.Муминов, З.Қурбонов ва хорижий олимлар А.Кочкаров, И.Майорова, А.Лобанов, Ю.Лермонтов, Н.Шестакова, О.Петров, А.Полтева, М.Садчиков, Т.Курбатов, В.Семенихин, Г.Омуркожоева, М.Кривцова ҳамда бошқа олимлар томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида муаллиф томонидан камерал солиқ текшируви тушунчаси ва мақсади бўйича хулосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи фикрича, камерал солиқ текшируви – солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ органи томонидан бошқа ташкилотлардан сўраб олинган солиқ тўловчига доир маълумотлар асосида солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлигини ўрганишга қаратилган профилактик ва назорат ҳаракатлари мажмуи ҳисобланади.

Диссертант амалдаги солиқ қонунчилигида камерал ва бошқа солиқ текширув турлари мақсади бир хилда назорат қилиш нуқтаи назаридан белгиланганлиги, мазкур ифодалаш камерал солиқ текширувининг юридик табиатини тўлиқ очиб бермаслигини қайд этиб, камерал солиқ текшируви мақсади – солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини жорий назорат қилиш бўлиб, солиқ тўловчиларни мажбуриятлари бўйича тўлиқ қамраб олиш, уларга йўл қўйилган камчиликларни мустақил бартараф этишга ёрдамлашиш, огоҳлантириш, сайёр текширувга танлаб олиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, деган фикрни илгари суради.

Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги тизимида камерал солиқ текшируви 1991-2007 йилларда «декларацияларни текшириш» ва «хужжатли текширув» тушунчалари билан ифодалангани, 2007 йилда дастлаб Солиқ кодексда «камерал назорат» сифатида белгилангани, амалдаги Солиқ кодексда (2019) «камерал солиқ текшируви» сифатида белгилангани тўғрисида хулосага келинган.

Тадқиқотчи томонидан миллий ва хорижий давлатлар (АҚШ, Канада, Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Беларусь Республикаси, Грузия, Латвия, Литвия, Молдавия ва бошқа давлатлар) солиқ қонунчилиги таҳлил қилиниши асосида миллий солиқ қонунчилигимизда камерал солиқ текшируви мақсади ва предмети тўлиқ очиб берилмаганлиги, мазкур категориялар камерал солиқ текширувининг бошқа солиқ текширувларидан фарқловчи асосий белгилари эканлиги қайд этилган ҳамда камерал солиқ текшируви давомида худуд ва биноларни кўздан кечириш тадбирини ўтказиш унинг юридик табиатига хос эмаслиги ва мазкур тадбирни бекор қилиш лозимлиги асослантирилган, шунингдек Солиқ кодекси 138, 145-моддалари ва «Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида»ги низомнинг 1, 4-бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва уларни қабул қилиш зарурияти асослантирилган.

Диссертацияда камерал солиқ текширувларига оид 2010-2020 йиллардаги статистик маълумотлар таҳлили асосида, хусусан камерал текшируви натижасида камчиликлар аниқланган тадбиркорлик субъектлари сони 2010 йилда 42.9 мингтадан 2019 йилда 157.3 минггача ошганлиги, камерал солиқ текшируви натижасида бюджетга қўшимча ундирилган солиқ суммаси 2010 йилда 216.4 миллиарддан 2019 йилда 4 477,1 миллиардгача ошганлиги, 2020 йилга келиб камерал солиқ текширув натижасида камчиликлар аниқланган тадбиркорлик субъектлари сони 50 мингтага пасайган бўлишига қарамай, камерал солиқ текшируви натижасида бюджетга қўшимча ундирилган солиқ суммаси 4 017.1 миллиардни ташкил этгани ҳамда текширувлар сони ошиши қўшимча ундириладиган солиқ суммалари ошишига олиб келиши тўғрисида хулосага келинган.

Диссертант томонидан камерал солиқ текширувлари бўйича суд амалиёти таҳлиллари асосида солиқ органлари ходимлари томонидан камерал текширув ўтказиш бўйича даъво қилиш муддатига риоя қилмаслик, камерал текширув натижаларини расмийлаштириш тартибини бузиш, ҳуқуқбузарликларни ихтиёрий бартараф этиш учун берилган муддатга риоя қилмаслик, камерал текширувда қўшимча солиқларни нотўғри ҳисоблаш, банкларда ҳисоб-рақамни асоссиз тўхтатиб қўйиш каби ҳуқуқбузарликлар кўп содир этилиши, шунингдек солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботларини, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаслик ҳамда солиқ тўлашдан бўйин товлаш каби ҳуқуқбузарликлар кўп содир этилиши тўғрисида хулосага келинган.

Сайёр солиқ текширувининг юридик табиатига нисбатан олимлар М.Садчиков, Ю.Крохина, С.Пепеляев, А.Селиванов, С.Шорников, Е.Пузырева, Л.Лькова, Т.Курбатов, Е.Комарова, Д.Черник, О.Болтинова, Ю.Цареградская, А.Мусаелян, Е.Молчанов, А.Кормилицын, Н.Козлов ва бошқа олимлар томонидан

билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида муаллиф томонидан сайёр солиқ текшируви тушунчаси ва мақсади бўйича хулосалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи томонидан солиқ тўловчиларнинг жойига чиққан ҳолда уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш амалдаги Солиқ кодексига (2019) кўра солиқ аудити сифатида белгилангани, аммо ушбу текшириш ўз моҳиятига кўра сайёр солиқ текшируви ҳисобланиши, шунингдек сайёр солиқ текшируви – солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишига фактик ишонч ҳосил қилиш мақсадида унинг жойлашган ҳудудида ёки унинг илтимосига кўра солиқ органида унинг молия-хўжалик фаолияти, хусусан, бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашга қаратилган солиқ назорат тадбирлари йиғиндиси, деган фикр илгари сурилган.

Диссертант ўтказилган тадқиқотлар таҳлили асосида сайёр солиқ текшируви мақсадини солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини фактик қайд этган ҳолда солиқ интизомини таъминлаш деб қайд этади.

Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги тизимида сайёр солиқ текшируви 1991-2007 йилларда «танлаб ўтказиладиган текширув ва тафтиш», «молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш» тушунчалари билан ифодалангани, Солиқ кодексига (2007) «солиқ текшируви» сифатида белгилангани, амалдаги Солиқ кодексига (2019) «солиқ аудити» сифатида белгиланганлиги тўғрисида хулосага келинган.

Диссертант томонидан миллий ва хорижий давлатлар (АҚШ, Канада, Германия, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Арманистон, Украина, Тожикистон) солиқ қонунчилиги таҳлили асосида миллий солиқ қонунчилигимизда сайёр солиқ текширувларини ўтказиш даврийлигини солиқ риск бошқарув тизими билан боғлаш зарурлиги, солиқ текшируви ўтказиш муддатини солиқ тўловчилар тоифасидан келиб чиқиб таснифлаш зарурлиги ва солиқ текширувини тўхтатиб туриш асосларини белгилаш бўйича Солиқ кодекси 137, 140, 141, 142-моддалари ва «Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида»ги низомнинг 4, 15, 16-бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва уларни қабул қилиш зарурияти асослантирилган.

Диссертацияда сайёр солиқ текширувларига оид 2010-2020 йиллардаги статистик маълумотлар таҳлили асосида, хусусан 2010 йилда сайёр солиқ текширувлари сони 20.667 мингтадан 2016 йилда 18.524 мингтага пасайгани, 2018-2020 йилларда солиқ тўловчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга мораторий эълон қилингани, сайёр солиқ текширувлари натижасида қўшимча ундирилган солиқ суммаси 2010 йилда 243.8 миллиарддан 2016 йилда 656.8 миллиардгача ошганлиги ҳамда мазкур текширувларни ўтказиш сони ошиши қўшимча ундириладиган солиқ суммаларининг ошишига боғлиқ эмаслиги тўғрисида хулосага келинган.

Тадқиқотчи томонидан сайёр солиқ текширувига оид суд амалиёти таҳлиллари асосида солиқ тўловчилар томонидан солиқ органлари ходимларига текширув ўтказишга қаршилик кўрсатиш, хусусан биноларга қўймаслик; солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ёки бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштирмаслик каби ҳуқуқбузарликлар кўп содир этилиши қайд этилган. Шунингдек, солиқ органлари ходимлари томонидан солиқ қонун ҳужжатларини

нотуғри қўллаш ёки ноқонуний текшириш ўтказиш, хусусан текшириш ўтказиш учун рухсат олиш ёки хабардор қилиш тартибига риоя этмаслик, текширишга асос бўлувчи ҳужжатларни чиқармасдан текширувлар ўтказиш ёки ушбу ҳужжатларнинг нусхаларини солиқ тўловчига топширмаслик, текшириш натижалари бўйича далолатнома нусхасини солиқ тўловчига топширмаслик ёки даъво қилиш муддатига риоя қилмаслик каби ҳуқуқбузарликлар кўп содир этилиши тўғрисида хулосага келинган.

Диссертациянинг «**Солиқ текширувларининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари**» деб номланган учинчи бобида солиқ текширувларида риск бошқарув тизимини қўллашнинг ҳуқуқий масалалари ва Ўзбекистонда солиқ текширувларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари таҳлил этилган.

Риск бошқарув тизимининг юридик табиатига нисбатан миллий олимлар З.Ахроров, Ш.Шермаматов ва хорижий олимлар И.Демчук, В.Заика, К.Тоцкая, Г.Артеменко, Р.Назаров, Е.Чекулаева, У.Бердиева, Н.Горохова, Marhaini Mahmood, Csilla Tamás Czinege, Rafal Lipniewicz ҳамда бошқа олимлар томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида муаллиф томонидан солиқ rischi, солиқ riskларини бошқариш тизими тушунчаси ва мақсади бўйича хулосалар келтирилган.

Тадқиқотчининг фикрича, солиқ rischi солиқ тўловчининг ўз солиқ мажбуриятлари бўйича ва солиқ органи ходимининг солиқларни ундириш вазифаси бўйича ҳаракат (ҳаракатсизлиги) натижасида давлат ва солиқ тўловчига етказилиши мумкин бўлган молиявий зарар ҳисобланади.

Диссертант томонидан риск бошқарув тизими хорижий давлатларда турлича, хусусан «Risk management system», «Tax compliance management system», «Compliance Strategy» номаланиши қайд этилади, шунингдек риск бошқарув тизимини ишлаб чиқишдан мақсад солиқларни ундириш жараёнида солиқ органи ходимлари ва солиқ тўловчиларнинг қасддан ёки эҳтиётсиз ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида солиқ тушумлари камайиши ёки тўланмаслигини истисно этиш ҳисобланиши ҳамда мазкур тизим нафақат солиқ соҳасида балки молия, банк, божхона ва маъмурий соҳаларда ҳам қўлланилиши тўғрисида хулосага келинган.

Тадқиқотчи солиқ текшируви соҳасида riskларни бошқариш тизимини фарқлаш нуқтаи назаридан мазкур тизимни солиқ riskларини бошқариш тизими деб аташ лозимлигини қайд этади, солиқ riskларини бошқариш тизими – солиқ riskлари мезонларини ишлаб чиқиш, солиқ riskларини аниқлаш, баҳолаш, олдини олиш, огоҳлантириш ва солиқ текширувларига танлаб олишга қаратилган солиқ назорати самарадорлигини таъминловчи ахборот ва таҳлил бошқарув ҳаракатлари тизими, деган фикрни илгани суради.

Диссертацияда riskларни бошқариш тизими ахборот технологиялари билан биргаликда реализация этилиши, яъни мазкур тизим махсус дастурлар, хусусан, солиқ текширувларини ўтказиш бўйича riskларни баҳолаш (Risk Assessment), riskлар асосида ёки тасодифий танлов асосида сайёр солиқ текшируви ўтказиш (Risk-based Audit Selection or Random Audit Selection) орқали амалиётга жорий этилиши қайд этилган.

Диссертант томонидан миллий ва хорижий давлатлар (Дания, Нидерландия, Италия, Швеция, Ирландия, Канада, Буюк Британия, АҚШ, Россия, Қозоғистон, Беларусь Республикаси) тажрибаси таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига солиқ рискларини бошқариш тизимига оид асосий тушунчалар ҳамда солиқ rischi бўйича солиқ тўловчиларни баҳолаш мезонлари белгиланмаганлиги асослаб берилган ҳамда Солиқ кодексини 140¹-модда билан тўлдириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва уларни қабул қилиш зарурияти асослантирилган.

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолияти (Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил), судгача низоларни ҳал қилиш тизими ва солиқ органлари фаолиятининг очиқлигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи томонидан солиқ текширувларини ўтказишда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ваколатлари таҳлил қилинган ҳолда солиқ текширувларининг қонунийлигини таъминлашда унинг ўрни аҳамиятли эканлиги, хусусан: *биринчидан*, текширувлар ўтказилишидан олдин текширувлар буюртма асосида вакил билан келишилиши ёки хабардор қилиниши; *иккинчидан*, текширувлар ўтказилишидан олдин Электрон текширувларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилиши; *учинчидан*, текширув натижалари уч кундан кечиктирмасдан Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилиши; *тўртинчидан*, текширув ўтказиш тартибини бузган шахсларга вакил томонидан жавобгарлик чоралари қўлланилиши тўғрисида хулосага келинган.

Шунингдек, амалдаги қонунчилик таҳлили асосида Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг текширувларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш асослари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан тасдиқланган низомлар билан тартибга солингани қайд этилган, шунингдек Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг солиқ текширувларини амалга оширишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида» низом ҳамда «Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқлаш таклиф этилган.

Диссертант томонидан амалдаги солиқ қонунчилигида солиқ текширувлари бўйича низоларни судгача ҳал қилишда Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси ва Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгашининг ўрни белгиланмаганлиги қайд этилиб, солиқ тўловчи солиқ аудити ёки сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарор юзасидан Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгашига мурожаат қилиш тартибини белгилашга қаратилган таклиф келтирилган.

Тадқиқотчи хорижий давлатларнинг тажрибасини (АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Япония, Германия ва айрим МДХ давлатлари) таҳлил қилган ҳолда солиқ текширувлари жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда солиқ текширув натижалари ва солиқ текшируви бўйича шикоятларга оид статистик маълумотларни солиқ органи расмий сайтида очиқлаш тартибини таклиф этади.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий ҳамда амалий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:

